*Жанубий ҳудудларда*

**«Олтин чигит» деб номланган ўзбек-юнон қўшма корхонаси ҳовлисида 0,005 гектарлик митти пахтазор бор. Кўп кўсак тукканидан ғўзанинг поялари ерга эгилиб қолган. Барглари ҳамон ям-яшил. Ҳар туп ғўзада йигирма беш-ўттизтадан қийғос очилган чаноқ.**

**Бу корхонанинг ўзи тайёрлаган чигитдан униб чиққан, етишган ғўзанинг ҳосили. Мутахассислар ҳисоб-китоб қилишиб, шундай пахтанинг гектаридан камида 50-55 центнердан ҳосил чиқади, дейишаяпти. Хўш, корхона тайёрлаётган уруғлик чигитнинг сеҳрию хосияти нимада?**

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ОЛТИН МЕВАЛАРИ

Аввало, корхонанинг ўзи ҳақида гапирсак. Бундан 6 йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг пахтачиликни такомиллаштириш ҳақидаги қарорига кўра, Қумқўрғон туманида «Сурхончигит» пахта уруғчилиги корпорацияси тузилди. Корпорация ўз таркибига кирган хўжаликлардаги кундалик дала ишларини мувофиқлаштириб бориш баробарида арқонни узун ташлади. Грециянинг машҳур «Емкат SA» компаниясини ҳамкор бўлиб ишлашга чорладилар. Шундай қилиб уруғлик чигит ва уруғлик дон ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма корхонанинг пойдеворига ғишт қўйилди. Емкат корхонани Олмониянинг «Петкус» фирма ускуналари билан жиҳозлади. Бу ускуналар ёрдамида чигит шу пайтгача расм бўлиб келган техник усул билан эмас, кимёвий усул билан туксизлантириладиган бўлди.

Дастлабки тажрибаларданоқ самара кўнгилдагидай чиқди: «Ўздавуруғмарказ» корхонада тайёрланган уруғлик чигитнинг 97 фоизи униб чиқишини тасдиқлаб ёрлиқ берди. Мутахассислар бир гектар ерга 60-70 килограммдан эмас, корхонада тайёрланган уруғдан 25-26 килограммдан экиш кифоя, деган хулосага келдилар.

«Олтин чигит» Италиядан туксизлантирилган чигитни санаб ва бехато ташлайдиган «Гаспарда» русумли 10 та сеялка харид қилди. «Витовакс 200 FF» деган препарат билан дориланган ва «Гаспарда» сеялкалари билан чигит экканлар бу йил ҳосилни барвақт, мўл етиштириб «Олтин чигит» ижодкорларига миннатдорчилик билдирдилар. «Олтин чигит» бу йил хўжаликларга 1100 тонна уруғлик етказиб берди. Иш кўламини корхона кенгайтириб боради. Уруғлик дон тайёрлаш йўлга қўйилади. Кичик мой (чигит мойи) тегирмони, бошқа ишлаб чиқариш шохобчалари қурилади. Вилоятнинг кенг пахтазорларида корхона ҳовлисида ўстирилганга ўхшаш мўл ҳосилли ғўзалар ўстирилади.

— Корхонамиз жойлашган шу лалмикор даштларида Ўзбекистон ва Греция халқларининг дўстлик дарахтлари кўкарди. Бу бизнинг энг катта ютуғимиз, — дейди корхона оператори Йўлдош Мамадиёров. — Панаёц, Василис исмли дўстлар орттирдим. Улар ҳам таъби, табиати ўзимизга ўхшаш одамлар экан. Биз бир-биримизнинг тилимизни билмаймиз. Лекин таржимонсиз гаплашаверамиз. Чунки, мақсад — муддаоларимиз бир. Дилимиз бир.

— Улар яқинда келиб кетишди, — дейди корхона механиги Аброр Абдуллаев. — Дўстим Панаёц яхши гапни айтди. Терроризм, ёвузлик, биродаркушлик бизнинг умумий душманимиз, деди ва бу гапига, тинч-тотувлик, осойишталик, ҳалол меҳнат, дўстлик — ҳамкорлик бизнинг умумий бойлигимиз, қудратимиз, деган сўзларни қўшимча қилди. Афғонистондаги халқаро терроризмга қарши қаратилган бугунги ишларни ҳеч ким ўзича томоша, деб қабул қилмаслиги керак. Терроризм — қора куч. Бахил куч. Одамни уйқусида танг қолдиришни пойлаган куч. Лекин ҳадик йўқ. Қўрқув йўқ. Биз аҳил бўлсак, биз бир ёқадан бош чиқариб яхши ишласак, биз огоҳ ва ҳушёр бўлсак, бошқа халқлар билан ҳамкор бўлсак, тинчликни сақлаш, Ватанни гуллатиб-яшнатишга қаратилган мақсадларимизга эришувимизга ҳеч ким, ҳеч қачон монелик кўрсатолмайди.

Корхона бош директорининг ўринбосари Петрос Гиаламас яқинда Қумқўрғонга ўз Ватанидан қўнғироқ қилди. Корхонани кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар компанияга маъқул келганини, бу ишга ўзлари ҳам бош қўшажакларини билдирди. Сиз дўстларни соғиндим, дийдор кўришгунча, деди.

Шундай. Шакаргуфторликлару бунёдкорлик ишлари элларнинг тинч-тотувлигию осойишталигидан, мақсадларнинг муқаддас ва мушарраф-лигидан.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Инсон ҳимояси — бош мезон

Шу йил 18 октябрдан кучга киритилган жиноий-жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуннинг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотида муҳим қадам бўлди. Наманган вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш ушбу қонун ижроси юзасидан суд-ҳуқуқ соҳаси ва прокуратура — тергов идоралари олдида турган долзарб вазифаларга бағишланди. Шу мавзуда маъруза қилган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Ғ.Раҳимов ва музокарада сўзга чиққанлар қонунда ҳимоянинг бош мезони сифатида инсон манфаатлари қўйилганлиги ҳуқуқий-демократик жамиятга хос белги эканлигини таъкидлаб, фуқаролар тақдири билан боғлиқ ҳар бир ишни кўришга либераллаштириш аҳамиятини чуқур ҳис этган ҳолда ёндошиш зарурлигига эътиборни қаратдилар.

Йиғилишда вилоят ҳокими Т.Жабборов қатнашди.

**Қ.НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Конституция сабоқлари*

## ИККИНЧИ САБОҚ:
# АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР

Ушбу бўлим 4 боб, 17 та моддадан иборат. «Давлат суверенитети», «Халқ ҳокимиятчилиги», «Конституция ва қонуннинг устунлиги» ва «Ташқи сиёсат» деб аталган боблар Ўзбекистоннинг қандай давлат эканлигини англатади. **«Ўзбекистон — суверен демократик республика»** деган сўздан (1-модда) жамиятимизнинг бош мақсади ифода бўлган. Бу degани биз мустақил ривожланиш йўлидан демократик тамойиллар орқали қадам ташлаймиз.

Кейинги модда давлатнинг қандайлигини кўрсатади: **«Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар».** Бу сатрлар демократиянинг ажралмас ва узвий шартлари бўлиб, мамлакатимизда, аввало халқ манфаатлари афзал эканлигини билдиради. Ҳаётимизда шахслар ўртасида турли манфаатлар тўқнашуви рўй бериб туради. Хўш, ўшандай ҳолатларда масала қандай ҳал этилиши керак? Яширишнинг нима кераги бор, баъзида мансабдор шахс ўз лавозими кучидан фойдаланишга уриниб қолади. Унинг бу ҳаракати нотўғри эканлигини қандай исботлаймиз? Худди шу ўринда Конституция бизга куч-қудрат бахш этади. Албатта, бунинг учун Асосий қонунни яхши билишимиз керак. Ундан бехабар одам ўз ҳуқуқини ҳам англай олмаслиги турган гап. Худди шу бобда Ўзбекистон Республикаси ўзининг миллий-давлат ва маъмурий-ҳудудий тузилиши, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг тизимини белгилаши, ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириши ёзиб қўйилган. Давлат чегараси, давлат тили, давлат рамзлари, мамлакат пойтахти ҳам Конституцияда белгиланиши жаҳон тан олган тамойилларнинг тасдиғидир.

«Халқ ҳокимиятчилиги» бобида аввалги моддалардаги «давлат халқ иродасини ифода этиши» ҳақидаги ғоялар изчил давом эттирилади. Шу боисдан ҳам 7-моддада лўнда қилиб **«Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир»** деб қўйилган. Хўш, бу нимада кўринади? Кейинги сатрларга назар ташланг: **«Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади».** Эътибор беринг: идораларга қонунлар ваколат беради, қонунлар эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида қабул қилинади.

Биз ўзбек халқи деганда кимни тушунамиз? Фақат ўзбек миллатига мансуб шахсларнимми? Бу ҳақда 8-моддада аниқ айтилган: **«Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади».** Биргина шу моддада мамлакатимизда истиқомат қилаётган халқларнинг бағри кенглиги, аҳиллиги акс этиб турибди. Конституцияда битилган ушбу тамойилга амал қилган халқ чинакам буюк давлат қуришга чоғланган.

Ана шу халқ номидан, 10-моддада ёзиб қўйилганидек, фақат у сайлаган республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин. Кўряпсизми, халқ берган ваколат энг олий ваколатдир. Шундай экан, бу мамлакат фуқароси Президент ва Олий Мажлис номидан қабул қилинган ҳар бир қарорни амалга ошириши ҳам фарз, ҳам қарз. Бу ҳақда Асосий қонунда ёзиб қўйилганини ҳамма билиши шарт. Фақат бу мамлакат тақдирига бефарқ, шу заминдан айри одамгина Конституция талабларини билмаслиги мумкин.



Энди Ўзбекистонда ҳокимият пиллапоялари қандай эканлиги хусусида. 11-моддада баён этилишича, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади. Бу ўринда нафақат давлатнинг идора қилиниши, балки халқ манфаатларини кўзловчи институтлар қай тартибда жойлашганлиги ифода этилган. Ушбу моддани билган одамгина ҳокимиятнинг қайси тизимидан нималар кутиш мумкинлигини тасаввур эта олади.

Аввалги моддалардан маълумки, Ўзбекистонда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этилмоқда. Шундай экан, бу мамлакатда демократия қай тарзда татбиқ этилади? Бу саволга 13-модда жавоб беради: **«Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади».** Мазкур сатрларда иймон ва диёнатни қалб шиори қилиб олган ота-боболаримиз мероси, жамиятдаги жамики неъматларни инсоннинг фаровон турмуши учун йўналтираётган давлат ғамхўрлиги мужассам. Бу сўзларни юракдан англаган одам бутун вужудини, иқтидори ва қобилиятини она Ватанга сарф этиши муқаррар. Инсонни олий қадрият санаган мамлакатда вайронкорлик эмас, балки бунёдкорлик ғоялари юқоридаги эзгу фикрларни давом эттиради: **«Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади».** Шундан хулоса қиламиз: давлат идорасида ўтирган мансабдор ушбу талабни унутмаслиги керак, бордию унутса, ундан сиз ва биз талаб қилишимиз лозим.

Қонунлар нега қабул қилинади? Табиийки, ижро этиш учун. Хўш, бизнинг мамлакатимизда қонунлар ижроси учун кафолат борми? Ҳа, бор. Бу Конституциямизнинг III боби («Конституция ва қонун устунлиги»)да алоҳида ёзиб қўйилган. 15-моддада таъкидланишича, **«Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади».** Ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ. Зотан, адолатли ҳуқуқий давлатнинг талаби шундай. Конституциянинг фуқаролар ҳуқуқига кафолат бўлиши ҳам юқоридаги моддада ўз ифодасини топган.

Ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Кимдир эгри қадам ташласа жамият қонунлари олдида жавоб беради. Бу масъулият аввало Конституцияга нисбатан бўлиши керак. Айтайлик, кимдир Асосий қонун моддаларини ўз манфаати йўлида, яъни бошқаларнинг ҳуқуқини поймол қилиш мақсадида ишлатишга ҳаракат қилди, дейлик. Йўқ, дейди бундай ҳолда Бош қонунимиз. **«Мазкур Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмас. (16-модда)».** Худди шу модда орқали ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилиняпти.

Биринчи бўлимнинг охирги боби «Ташқи сиёсат» деб аталади. Бунда Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти эканлиги ёзиб қўйилган. Президентимиз турли анжуман ва йиғилишларда Ўзбекистон тутган йўл ҳақида «Бизнинг ҳеч кимга даъвомиз йўқ, фақат тинчлик учун курашамиз» деганларига кўп гувоҳ бўлганмиз. Зеро, Конституциямизнинг 17-моддасида ёзилишича, **Ўзбекистон ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг даҳлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.** Бу сатрлар нафақат мамлакатимиз фуқароси учун, балки «Ўзбекистон қандай давлат экан?» деб қизиққан хорижликка ҳам ойдинлик киритади. Ушбу моддада юртимизда тинчлик ва осойишталик бебаҳо қадрият эканлигини тасдиқлайди.

Ташқи сиёсат борасидаги муваффақиятларимиз Конституциямизнинг асосий принциплари барқарорлигидан эканлиги шубҳасиздир.

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

## РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

хизматлари билан тўлдиришга доир 2001-2005 йилларга мўлжалланган дастур"да қўйилган вазифаларнинг вилоятда бажарилиши етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Унинг зиммасига мазкур Дастурда қўйилган вазифаларнинг оғишмай бажарилишини таъминлаш, вилоятда харидоргир халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, истеъмол товарлари экспорти ҳажмини, пулли хизматлар турларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда шулар ҳисобига ҳудудда нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш вазифаси топширилди.

Шунингдек, мажлисда Тошкент вилояти Пул-кредит сиёсати комиссияси томонидан жорий йилда амалга оширилган ишлар тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Таъкидландики, ўтган давр мобайнида ҳудудий комиссия ишида айрим камчиликларга йўл қўйилган. Хусусан, вилоятда август ойида пул муомаласига доир асосий кўрсаткичлар бажарилмаган бўлишига қарамасдан комиссиянинг 13 сентябрда ўтказилган мажлисида белгиланган кўрсаткичларни уддаламаган шаҳар ва туманлар ҳокимларига нисбатан таъсирчан чоралар кўрилмаган. Вилоят ҳамда Олмалиқ шаҳри, Тошкент тумани Пул-кредит сиёсати комиссияларининг тайёрланаётган қарорларининг аксарияти умумий тусда бўлиб, улар номигагина қабул қилинган. Айрим туманлар Пул-кредит сиёсати комиссияларининг мажлислари эса мунтазам равишда ўтказиб борилмаган. Жумладан, Оққўрғон тумани Пул-кредит сиёсати комиссиясининг жорий йилга мўлжалланган иш режасига мувофиқ комиссия мажлиси ҳар ойда ўтказилиши керак эди. Бироқ ўтган давр мобайнида комиссия томонидан атиги 5 марта мажлис ўтказилган. Қибрай туманида жорий йилнинг учинчи чорагида муомаладан нақд пул олишга доир кўрсаткичлар бажарилмаганлигига қарамасдан, мазкур масала туман Пул-кредит сиёсати комиссиясининг октябрь ойидаги мажлисида кўриб чиқилмаган.

Мажлисда Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари - ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссияси раиси А.Йўлдошевга комиссиянинг жорий йилдаги фаолияти қониқарсизлиги кўрсатиб ўтилди. Унинг зиммасига юқорида қайд этилган камчиликларни қисқа муддатларда бартараф этиш, айблор раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ҳудудий комиссия мажлисида алоҳида кўриб чиқиш вазифаси топширилди, агарда келгусида ана шундай камчиликлар такрорланадиган бўлса, унга нисбатан қатъий чоралар кўрилиши ҳақида огоҳлантирилди.

Мажлисда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

# ТАДБИРКОР ТАДБИР ҚИЛСА...



*Нурота шаҳридаги Аминжон Баратов номли масъулияти чекланган жамият аъзолари томонидан истеъмолга чиқарилаётган маҳсулотлар аҳолига маъқул келмоқда. Шу боис улар жорий йилни муваффақиятли якунлашмоқда. 100 нафар ишчи меҳнат қиладиган мазкур корхона шу йилнинг ўзидаёқ 3 миллион сўмлик соф фойда олишга эришди.*

**СУРАТДА: тикувчи Гулшан Ёдгорова.**

**Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

АҚШнинг Афғонистондаги террорчи марказларга қарши бошлаб юборган ҳаракатларига у ёки бу кўринишда бош қўшган давлатларнинг кўплигини ҳақли равишда эзгуликнинг глобаллашуви деб аташ мумкин. Шу қабилда уюшқоқлик эҳтиёжи мавжудлиги ғоясини Ўзбекистон раҳбари аллақачон ўртага ташлаганини эндиликда хорижий давлат раҳбарлари, мутахассислар ҳам тан олишмоқда. Буни қарангки, бундай бирлашишни маъқул кўрмаётганлар ҳам йўқ эмас. Савол туғилади: ҳамонки, дунёдаги ёвуз кучлар интеграциялашуви мавжуд экан, нима учун уларга қарши курашувчи кучлар бир ёқадан бош чиқармаслиги керак?! АҚШ аксилтеррор дастури мувофиқлаштирувчиси М.Вонг шу йилнинг май ойида Конгрессга тақдим этиш учун тайёрланган "Глобал терроризм тамойиллари" деб номланган маъруза юзасидан қилган чиқишида ўтган асрнинг 70—80-йилларидан тортиб то ҳозирга қадар дунё миқёсида террор ҳаракатларининг "қутириши" манзарасини тасвирлаб берган. Террорчи гуруҳлар, террорчиларни назоратига олмайдиган, назорат этолмайдиган, уларга хайриҳоҳ давлатлар ва ҳоказо мисоллар ҳар қандай соф ниятли инсонни жиддий ташвишга солади. Инсоният учинчи минг йиллик ҳисоби билан яшай бошлади, цивилизациянинг ақл-идрок деб аталмиш поғонасига чиқди деймиз-у, бир-бирига қирон келтириш воситалари ва мақсадларини яратиш борасидаги "ихтирочилик"лардан, ўта замонавийлашган даҳшатли жанг майдонларининг "кашф" этилаётганидан соғлом ақллар шошмай иложи йўқ.

Давр ва вазият башарият олдига нима қилмоқ керак, деган саволни кўндаланг қўймоқда.

Гап "машъум сешанба" куни қўпорувчилик ҳаракатида 80 га яқин давлатнинг бегуноҳдан-бегуноҳ фуқароси ҳаётдан бевақт кўз юмгани ҳақидагина эмас. Бундай ёвузлик юз бериб турган бир пайтда ҳеч бир соғлом куч умуминсоний саъй-ҳаракатлардан ўзини четга олмайди. Балки бирлашади, эзгулик глобаллашуви жараёнига қўшилади! Бундай бирлашишга зимдан ёки очиқдан-очиқ путур етказиш ҳаракатидагилар ҳам бор, албатта. Уларнинг фикрича, гўё аксилтеррорчи давлатлар интеграциялашуви жараёнида қайсидир давлатлар етакчи давлатлар таъсирига тушиб қолади, келгусида унинг измидан, таъсиридан чиқиб кетолмайди. Аввало, шуни эътироф этиш керакки, маҳаллий, минтақавий, соҳавий, мафкуравий, ғоявий глобаллашув жараёнларининг турли босқичида унинг ўзига хос етакчилари, раҳнамолари ва эргашувчилари бўлиши табиий. Лекин бунда етакчилик билан эргашувчилик қайсидир томоннинг ҳукмронлигию, қайсидир томоннинг тобелигига эмас, балки ҳар икки (ёки бир неча) томоннинг тенгҳуқуқлигига асосланади. Чунончи Афғонистондаги терроризм марказларини йўқотишга киришган мамлакатлар ҳамкорлиги ҳақидаги саволга жавоб берган АҚШ Давлат котиби К.Пауэлл кўплаб давлатларнинг ҳамкорлигисиз бу ҳаракатга кириша олмас эдик, кампания фаолият юритганда барча ҳамкорлар манфаатлари ҳисобга олинади деб таъкидлади. Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг ушбу воқеалар муносабати билан эълон қилган Баёноти синчиклаб ўқилса, мамлакатимиз халқаро терроризмга қарши курашни фақат АҚШ манфаатларидан келиб чиқиб эмас, айни чоғда ўз манфаатларидан келиб чиқиб қўллаб-қувватлаганига ишонч ҳосил қиламиз. Яъни, манфаатлар муштараклиги сақланади. "Лекин бизга қарши бўлган террорчи тўдалар орқасида катта имкониятлар, катта куч ва маблағга эга бўлган марказлар турса, — деб ўқиймиз Баёнотда, — баъзи давлатлар уларга пинҳона ёрдам кўрсатса, бу оқим ҳеч тўхтамаса, бундай уюшган ваҳший кучларга биз бир ўзимиз қарши туришимиз оғир бўлмайдими?"

Халқимиз ушбу сўзларнинг нақадар оқилона эканини тушуниб етмоқда, халқаро терроризмга қарши кураш йўлида собитлик билан курашаётган давлатлар ҳаракатига хайриҳоҳ бўлишимиз келажак нуқтаи назаридан ҳам тўғри эканлигини эътироф этмоқда. Халқаро аксилтеррор ҳаракатларига бош қўшган давлатларнинг умуммақсад йўлида тенг ҳуқуқли эканига қайтсак, мамлакатимиз раҳбарининг "биз аввало, ўз кучимизга, ўз Қуролли Кучларимизга, халқимизнинг иймон-эътиқоди ва қатъиятига суянишимиз даркор" деган сўзлари ҳар қандай ватандошимизнинг ғururини кўтариб юборади.

# ГЛОБАЛЛАШУВ: ДУНЁНИ ЭЗГУЛИК БОШҚАРСИН

Глобаллашув муносабатларига кираётган давлат-субъект олдига қўйиладиган талабга алоҳида эътибор беришга тўғри келади. Гап шундаки, бундай ҳамкорликда, қадимда бўлганидек, мамлакатларнинг ҳудудий салмоғи, ҳарбий ва иқтисодий қудрати эмас, биринчи навбатда интеллектуал салоҳияти бош омил сифатида эътиборга олинади. Тўғри, интеллектуал салоҳият ҳамма халқлар ва ҳамма давлатларда тенг эмас, албатта. Назаримда, айни шу интеллектуал ожизлик сезилган жойда ёвузлик уруғи ниш уради. Ақл-идрок ўрнини жаҳолат эгаллайди. Жаҳолат халқаро миқёсларга кўтарилганида халқаро терроризм туғилади. Америкалик олим С.П. Хантингтоннинг ёзишича, тамаддунлар уйғунлигига эришиш асносида бирор-бир ҳолатга турлича қарашларнинг мавжудлигини зиддиятга йўйиш керак эмас, бордию зиддият бўлган тақдирда ҳам, уни зўравонлик дея талқин этиш ярамайди. Чунки мана шундай юзаки ва бирёқлама хулосалар томонларни ғаразли шубҳаларга олиб боради. Пинҳон тутилган бемаъни ғараз ва шубҳадан тажовузкор террор туғилади. Компьютер ва интернет асрида террорчининг тажовузи нечоғли ёвуз ва йиртқич тус олиши мумкинлигини эса дунё кўриб турибди.

Умумбашарий глобал жараёнлар изчил таҳлил қилинса, мустақил мамлакатимиз равнақи учун танланган йўлнинг, яратилган бошқарув тизимининг, ғоявий-мафкуравий соҳада олиб борилаётган ишларнинг моҳияти кўзга яққол ташланади.

Глобаллашув жараёни икки йўналишда кечишига эътибор берайлик: дунёвий интеллектуал куч-қувват миллий-маҳаллий интеллектуал салоҳиятни бойитади, ривожлантиради. Иккинчи томондан эса миллий-маҳаллий интеллектуал салоҳият ҳам ўз навбатида дунёвий "бисот"ни бойитиши, унга нимадир қўшиши зарур. Шуни фахр билан таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон дунёвий глобаллашув жараёнларидан фақат ОЛУВЧИ эмас, балки айни вақтда уни БОЙИТУВЧИ давлат сифатида ҳам қад ростламоқда.

Бу нималарда кўринмоқда?

Биринчи навбатда азалий ўзбек миллий қадриятлари, хусусан энг инсоний фазилатлар яхлит маърифий-маънавий ТИЗИМ кўринишида турмушимизга татбиқ этилибгина қолмай, у билан ер юзининг исталган бурчагидаги кишилар ахлоқ-одобига зеб бериш, тўлдириш мумкинлиги кўринмоқда. Соф инсоний туйғуларни сақлаш, ардоқлаш, керак бўлса, ёшлар тарбиясига сингдириш истаги, ўз навбатида Ғарб кишиларини Шарқ билан яқиндан ҳамкорлик қилишга даъват этаётгани ҳам сир эмас. Цивилизация ва шиддатли тараққиёт суръати инсон феълидаги энг ардоқли фазилатлар билан "пачакилашиб" ўтирмаслиги қанчалар аянчли оқибатларга олиб келаётганини дунё олимлари, мутахассислари катта ташвишлар билан эътироф этишмоқда. Тараққиёт керак, бироқ тараққиётнинг муҳим ва муқаррарлигини эътироф этганимиз ҳолда, инсон табиатини, қалбини асраш ҳам шу қадар муҳим. Зеро, тараққиёт самаралари охир-оқибат инсонга хизмат қилмоғи зарур.

Глобаллашув йўлининг улкан ва энг нозик парадоксларидан бири ҳам шу бўлиб қолса, ажаб эмас. Умуман, мазкур жараённи зиён-заҳматсиз давом эттириш бурчи барча мамлакат раҳбарлари ва халқлари томонидан ҳар қачонгидан масъуллик, ҳушёрлик, бағрикенглик ва маърифатлиликни тақозо этмоқда, истиқболдаги жамият ахлоқини яратиш мураккаблигидан далолат бермоқда. Ўзбекистон Президенти ишлаб чиққан ва ҳаётимизга кенг татбиқ этилаётган тамойиллар худди шу стратегиянинг ўзак қисмини ташкил этади. Ёш мустақил давлатлар йўлида ғов бўлиши мумкин бўлган тўсиқларни олдиндан кўра билиш, уларга қарши курашнинг энг мақбул ва оқилона чораларини олдиндан башорат этиш, глобаллашув жараёнида ер юзидаги минтақавий муаммоларнинг ечимини топиш ғояларини илгари суриш... бундай мисолларни истаганча келтириш мумкин. "Биз демократик жамият қурар эканмиз, — дея жавоб қайтарганди И.Каримов ЎзА мухбири саволларига берган ва "Ҳушёрликка даъват" номида босилган суҳбатида, — мафкуравий зўравонликни рад этдик. Биз кишиларнинг сиёсий онги, дунёқарашини бошқариш эмас, балки бойитиш, юксалтириш, инсонийлик руҳида, умумжаҳоний меъёрлар асосида тарбиялаш йўлидан бордик".

Эътибор берайлик, кишилар дунёқарашини БОШҚАРИШ эмас, балки уни умумжаҳоний меъёрлар асосида ТАРБИЯЛАШ зарурлиги ҳақида бормоқда сўз. Ўз тақдирининг, ўз ватани, халқи манфаатлари йўлида МУСТАҚИЛ шахс мақомига етишиш истаги мужассам бу сўзларда.

Кимлар бошқарилаяпти ҳозир? Бошқарилаётган, яъни ўзгаларнинг кўр етовига тушаётган кимсалар нималар қилмаяпти?!

Террорчилар, камикадзелар эмасми, тафаккур мурватларини ёвуз кимсалар қўлига тутқазиб қўйган? Ўзларининг бошқарилувчи "винтча" эканликларини ҳам англаб етмаганлар эмасми!

Минг афсуски, дунёдаги эзгу кучлар билан ёвузлик ҳам ёнма-ён яшайди, бу икки қутб мудом курашади. Кураш ўз йўлига, аммо-лекин дунёга ёвуз кучлар эгалик қилмаслиги керак-ку, ахир! Бу ёруғ олам ёвузлар қўлида қолиб кетмаслиги, дунёни ўз соҳиби — эзгулик бошқариши керак-ку! Шундай экан, унга етишишнинг энг мақбул йўли нимада?

**"Маърифатли жамият барпо этишда!"** дейди Ўзбекистон Президенти. Айни кунларда террорчиларни жазолашнинг бирдан-бир чораси сифатида бомбалар ёғдиришдан фойдаланилаётган бўлса, терроризмдек балои азимнинг янгидан-янги ниш уриб, бош кўтаришига йўл қўймасликнинг бирдан-бир чораси эса МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ қуришдадир!

Ўзбекистон ва ўзбек халқи дунё глобаллашув жараёнига қўшаётган улкан улуши, кенг маънода шунда мужассам. Зеро, бизда тамал тоши қўйилаётган тараққиёт тамойили маърифатли инсондан маърифатли жамият барпо этишга, маърифатли жамиятдан эса дунёни маърифатлаштириш сари юксала бораверади!

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД.**

# «УМИД НИҲОЛЛАРИ» — ЭНГ ОММАВИЙ ТАДБИР

Пахта йиғим-теримининг қизғин палласида ана шу оммавий мусобақалар бир қадар сусайди. Аммо тадбирлар, ўз ишининг жонкуяри бўлган спорт мураббийлари, жисмоний тарбия ўқитувчилари бу даврдан-да фойдаланиб қолишди. Жойлардаги спорт иншоотлари қайта таъмирланди, кузги-қишки мавсумда мусобақалар ўтказиладиган спорт залларига зарур анжомлар ўрнатилди.



Ва ниҳоят Жиззах туманидаги 17-ўрта мактабда «Умид ниҳоллари»нинг II босқичи мусобақалари бошлаб юборилди. Ажойиб тайёрланган спорт майдончаларида 1-4-синф ўқувчилари 30 метрга югуриш, узунликка сакраш, ҳаракатли ўйинлар бўйича беллаша бошладилар.

— Ҳозир бу ерда 17, 18, 20 ҳамда 25-ўрта мактаблар спортчилари ўзаро куч синашаяпти, — дейди ота-оналар даврасида ўтирган фахрий футболчи Раҳмон Шокиров. — Жамоаларнинг барчаси пухта тайёрланган кўринади. Ҳаммасидан ҳам ота-оналарнинг бу ердаги иштироки қувончли. Ўғил-қизларини ҳар дамда қўллаб-қувватлаб туришибди.

Ростданам, «Умид ниҳоллари» мусобақалари минглаб спортчилару томошабинларнинг дилини яйратади. Ичкарида шахмат мусобақалари ҳам бошланибди.

— Маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олиб, II босқич мусобақаларини ҳудудий гуруҳлар тузиб ўтказишга қарор қилганмиз, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи С. Мирзабеков биз билан суҳбатда. — Тоғли туманларда 10-12 тадан ва ҳатто Фориш туманида 18 та (жами 72 мактаб) ҳудудда беллашувлар ўтказилди. Бу эса тадбирни уюштиришда қулайлик туғдириши билан бирга, энг сара спортчилар жамоаларини тўғри танлаш имконини беради. Бу ерда туман терма жамоалари шакллана бошлади. Бу эса вилоят мусобақаларига мустаҳкам пойдевор дегани-дир.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Шифокор огоҳлантиради*

# ГРИППДАН САҚЛАНИНГ!

Грипп — вирус сабабчи бўлган ҳамда юқори ҳаво йўлларининг яллиғланиши билан кечадиган юқумли касалликдир. Хасталикнинг манбаи фақат бемор одам ҳисобланиб, у аксирганда, йўталганда, сўзлашганда теварак-атрофга вирус тарқатади.

Грипп мавсуми касаллик ҳисобланса-да, бироқ кўпроқ йилнинг совуқ фаслларида қайд қилинади. Хасталик бир неча соатдан 1-1,5 кунгача давом этган яширин даврдан сўнг кучая бошланади. Касалликнинг биринчи кунларидан беморнинг тана ҳарорати кўтарилади, уни қалтироқ босиши, бош оғриши, мушакларда оғриқ безовта қилади. Бемор қуруқ йўталади, кўз шиллиқ қавати қизариб, кўкрагида оғриқ сезади.

Касаллик аломатлари сифатида зотилжам, томоқ, қулоқ пардасининг яллиғланиши кузатилади. Грипп айниқса ёш болаларда оғир кечади. Хасталик билан оғриган беморлар айниқса ўрин режимига қатъий риоя этишлари, кўп суюқлик истеъмол қилишлари зарур. Гриппга қарши махсус даво сифатида ремантадин препарати буюрилади ҳамда бурун катакларига оксолин мазини суртиш ёки лейкоцитар интерферонни томчилаб юбориш тавсия этилади. Тумов аломатлари кузатилган беморлар бурнига эфедрин, санорин, нафтизин, галозолин каби дориларни томизиш яхши наф беради. Оғриқ қолдириш ва тана ҳароратини пасайтириш мақсадида феналгин, антигриппин каби комплекс препаратлари ҳам тавсия этилади.

Айтиб ўтилган муолажа тадбирларининг барчаси шифокор назорати остида бажарилади. Касалликнинг оғир шакллари билан оғриган беморлар шифохона шароитида даволанишлари зарур.

Грипп профилактикасида беморларни дарҳол ажратиш ва касалликнинг енгил ёки ўртача шакллари билан оғриган кишиларни уй шароитида даволашни ташкил этишнинг аҳамияти катта. Беморларни парваришлаётган шахслар албатта 4-6 қаватли дока ниқоб тутишлари даркор. Соғлом кишиларга касаллик кўпайган пайтда бурун катакларига профилактика мақсадида оксолин мазини суртиб юриш тавсия қилинади. Бемор ётган хонани шамоллатиб туриш ва ҳўл дезинфекция тадбирларини амалга ошириш зарур.

Касалликнинг махсус профилактика тадбирлари сифатида кейинги йилларда эмдори (вакцина)дан кенг фойдаланилмоқда.

**Сирожиддин БОБОХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-текшириш институти лаборатория мудири.**

## ҲИКМАТ

*Димоғингни кўтарма,*
*бўлмайин десанг оёқ ости,*
*Қамиш кеккайгани учун*
*бўйра бўлдию, ҳамма босди.*


ALTAY
ТЕХНИКА ВИДЕОНАБЛЮДЕНИЯ
СО СКЛАДА В ТАШКЕНТЕ



SAMSUNG TECHWIN
Адрес: г. Ташкент, ул. Шахрисабзская, 42.
Тел. 133-87-98, т/факс: 133-31-51, 130-84-63.
Лучшие цены!
4896


## МЕҲНАТ БОЗОРИ

Навоий шаҳрида унинг самараси сезилди. Яқинда 50 га яқин корхона ва ташкилот 730 та бўш иш ўринларини таклиф этди. Бу шунча фуқаро ўзига муносиб иш топди деганидир. Тадбирда хусусий тадбиркор ва ишбилармонлар ҳам ўз таклифлари билан иштирок этдилар.

— Уч ойлик бичиш-тикиш курсини очганмиз, — дейди «Усто-шогирд» ўқув маркази раҳбари Гулсара Шовқиева. — Стипендия билан таъминланган ҳолда ҳунар ўрганишга иштиёқ катта. Йилига 30-40 нафар ёшлар 3-разрядли мутахассис гувоҳномасини олиб ҳунарли бўлишмоқда.

Шаҳар ҳокимлиги, унинг меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими меҳнат бозорларини тез-тез ташкил этиш ташаббускорига айланди.

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


«Парвоз И» фирмаси қуйидагиларни

СИФАТЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ:
- ип толали хом газламаларни бўяйди;
- бўялган газламаларга сув ўтмайдиган «брезент» ёки оловда қийин ёнадиган «брезент» шаклида ишлов беради.

СОТАДИ:
- сув ўтмайдиган ип толали «брезент» маҳсулотлар;
- оловда қийин ёнадиган ип толали «брезент» маҳсулотлар;
- китоб муқовалари учун ишлатиладиган қотирилган техник дока.

СОТИБ ОЛАДИ:
- техник шам (парафин);
- стеарин.



Телефонлар: (3712) 78-54-14, 78-58-92.
4965/2245


*Обуна — 2002*

# НАРХИ АРЗОН, КУЛГУСИ БЕБАҲО

## «Муштум» янада ранг-баранг бўлади, «Афанди»нинг эса мавзу доираси кенгаяди

Шу кунларда матбуот нашрларига обуна бўлиш қизғин паллада. Деҳқонлар ибораси билан айтганда таҳририятлар ҳам «ҳосил йиғиш» мавсумига киришган. Бозор иқтисодиёти шароитида нашрлар фаолияти ҳам, уларга обуна бўлиш жараёни ҳам батамом ўзгариб кетди. Бозор бозор-да! Ҳар бир харидор ўзига ёққан маҳсулотни танлайди. Ҳамма гап ўша маҳсулотнинг нархида, унинг сифати ва зўрлигида!..

Хўш, бугун газетхон ё журналхон ўз севган нашрига танлаб, саралаб обуна бўляптими? Алоқа бўлимларига бориб, обуна бўлиш учун навбатларда қатор туришибдими? Обуначига ўзи яхши кўрган нашр учун обуна бўлиш кафолати берилганми? Ёки ўқувчи матбуот нашрларига обуна бўлишдан кўра, уларни сотиб олиб, ўқишни афзал кўрадими?..

Келинг, республикамизнинг ягона кулги ва ҳажв журнали «Муштум» ва унинг меваси — «Афанди» газетасининг келгуси йилдаги режалари ҳақида икки оғиз сўз юритайлик. Баъзан журналхонлар билан бўладиган учрашув ва мулоқотларда кўпинча «Муштум» ўзи чиқаяптими?» ёки «Нега вилоятларга «Муштум» келмайди?», деган жиддий саволларга дуч келамиз. Бундай саволларга: «Муштум» мунтазам чоп этиляпти, вилоятларга ҳам етиб боряпти», деб жавоб берамиз.



Келгуси йилда «Муштум»нинг режалари катта. Унинг саҳифаларида машҳур адиблар — Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Неъмат Аминов, Ўткир Ҳошимов, Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Анвар Обиджон, Пўлат Мўминнинг янги асарлари билан танишасиз. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ҳожибой Тожибоев, Мирза Холмедов, Обид Асомов сингари таниқли қизиқчилар билан бўлган ажойиб суҳбатлар ва уларнинг репертуарларидан олинган ичакузди ҳангомалар бериб борилади.

Шунингдек, журнал саҳифаларида фельетонлар, суд очерклари, танқидий мақола ва хатлар мунтазам чоп этилади. Сиз мириқиб кулиб томоша қиладиган карикатуралар «Муштум»нинг ҳар бир сонини безайди. Хуллас, Президентимизнинг нутқ ва маърузаларида тилга олинаётган танқидий мулоҳазалар бизга кўплаб долзарб мавзуларни ёритишда кўмак беради, асосий иш режамиздан ўрин олади.

Журнал иловаси — «Афанди» газетаси ҳам ўз ўқувчилари сонини ошириб боряпти. Биз, кўп минг сонли муштарийларимизнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, газетада янги рукнлар очмоқчимиз. «Афанди»нинг ҳам кулги мухлисларига айтадиган ичакузди латифалари, ҳангомалари, аскиялари, лофлари кўп. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғаройиб хабарлар, қайроқи фикрлар, кутилмаган иборалар, бошқотирма, сканворд ва топишмоқлар доимий бериб борилади. Шунингдек, газетада янги ёзилган ҳажвий ва саргузашт қиссалар, ҳикояларга ҳам кенг ўрин ажратилади. Санъат юлдузлари ҳаёти ва ижоди ҳақидаги энг зўр миш-мишлар, ҳангомалар дастлаб «Афанди»да чоп этилади.

Яна бир янгилик: журнал муассиси ҳамкорлигида «Муштум» кутубхонаси» туркум китоблари чоп этила бошланди. Бу йил «Бошга лойиқ пайтава» тўплами қўлингизга тегди. Келгуси йилда улардан 4 тасини ўқиш бахтига муяссар бўласиз.

Хуллас, ҳар икки нашрда ҳам янгиликлар сероб. Кулги доим ҳамроҳингиз бўлсин, йил ўн икки ой оила аъзоларим билан соғ-саломат юрай, десангиз, албатта, «Муштум» (индекс — 842,843), «Афанди» (индекс — 590, 591) ва «Муштум» кутубхонаси» (индекс — 955)га ўз вақтида обуна бўлишни унутманг. Уларнинг нархи арзон бўлгани билан, кулгиси бебаҳо.

**Ашурали ЖЎРАЕВ,**
**«Муштум» журнали ва «Афанди» газетаси бош муҳаррири.**


# ШАҲАРЛАРАРО АВТОБУС ЙЎНАЛИШЛАРИДА ЙЎЛКИРА ҲАҚЛАРИ 14 НОЯБРДАН ПАСАЙТИРИЛДИ

***Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги*** *томонидан шаҳарлараро автобус йўналишларида қўлланилаётган тарифлар таҳлил қилиниб, бугунги кунда шаҳарлараро йўналишлардаги ички имкониятларни ҳисобга олиб ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва уларга шаҳарлараро йўналишларда автобуслар хизматидан фойдаланиш имкониятини ошириш мақсадида* ***амалдаги тарифларни пасайтириш мумкин, деган хулосага келинди.***

**Агентлик юқорида қайд этилганларга асосан, жорий йилнинг 14 ноябридан шаҳарлараро автобус йўналишларида янги пасайтирилган тарифлар жорий этилаётганлигини маълум қилади.**

**1. Ҳар бир йўловчи километр учун қуйидаги тарифлар жорий этилади:**
- юмшоқ ўриндиқли автобусларда — ***5 сўм*** ўрнига — **4 сўм 50 тийин;**
- оддий ўриндиқли автобусларда — ***4 сўм 70 тийин*** ўрнига — **4 сўм 20 тийин.**

***Бу йўналишларда ташишга рухсат этилган ҳар бир юк ўрин учун:***
- дастлабки тўлиқ ва тўлиқсиз 100 км.га - 100 сўм;
- кейинги тўлиқ ва тўлиқсиз 100 км.га - 50 сўм олинади.

*2. Давлат мажбурий шахсий суғурта тўлови тартиби ва миқдори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 апрелдаги 217 - сонли қарорига асосан сақланиб қолади (суғурта тўлови бир чипта учун энг кам ойлик иш ҳақининг 0,2 фоиз миқдорида қилиб белгиланган).*

***Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги***
4981/2312



# "АСАКА" БАНКИ

ОСИЁ РИВОЖЛАНИШ БАНКИ (ОРБ) БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

**КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИ**
(хусусий, қўшма корхоналар, давлат улуши 25% дан кўп бўлмаган акциядорлик жамиятлари ва бошқалар)га
ИМТИЁЗЛИ МУДДАТЛАР БИЛАН

**$ 50 000 ДАН $ 3 000 000 ГАЧА МИҚДОРДА КРЕДИТЛАР ТАКЛИФ ЭТАДИ.**

**Осиё ривожланиш банки шартларига кўра, жиҳозлар, хомашё сотиб олиш ва хизмат кўрсатиш лойиҳалари фақат ОРБ аъзолари бўлган мамлакатлардан кириб чиқиш учун қабул қилинади.**

***Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:***
Тошкент ш., Д.Қунаев кўчаси, 25-а, "Асака" банки (2 корпус).
Телефонлар: (371) 1208394, 1208395, 1208396.
4953



# «ОЗИҚОВҚАТСАНОАТ» уюшмаси

**мулкчилик шаклидан қатъи назар барча савдо ташкилотларини**

*озиқ-овқат, қандолат маҳсулотлари, шакар, нон ёпиш учун хамиртуруш, чой, алкоголсиз ичимликлар, минерал сув ва пиво*

**сотиш бўйича 2002 йилга шартнома тузиш учун**

# РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ ЯРМАРКАСИГА

**ТАКЛИФ ЭТАДИ.**







*Ярмарка 2001 йил 14-16 ноябрь кунлари қуйидаги манзилда ўтказилади:*
**Тошкент ш., Навоий к., 7-уй.**

*Маълумот учун телефон:* **41-22-82.**
4974/2263


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институти жамоаси котиба Дилбар Ирмуҳамедовага падари бузруквори **Ҳасан ИРМУҲАМЕДОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ғунча» ва «Гулхан» журналлари таҳририяти «Гулхан» журналининг собиқ бош муҳаррири, кекса журналист **Эркин ЖАББОРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти жамоаси «Халқ ижодиёти» кафедраси профессори Ғайрат Жаловга онаси **Муҳаррам ая ЖАЛОЛОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент архитектура қурилиш институти ректорати ва жамоат ташкилотлари «Қурилиш механикаси ва зилзила иншоотлар зилзила бардошлиги» кафедраси доценти **Комил ИБРАГИМОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Акмал Икромов савдо» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти жамоаси жамият кузатув кенгаши раиси, А.Икромов тумани савдо Департаменти бошлиғи Маҳмут Туроповга онаси **Турсуной САИДОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.


«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 3015, 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[t] — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.15*
1 2 3 4 5 6